



Анас розияллоху анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиднинг қибла томонида балғам кўрдилар. Бу У зотга жуда оғир ботди, ҳатто бу чеҳраларида намоён бўлди, туриб, ўз қўллари билан уни қириб тозаладилар, сўнг: Агар биронтангиз намоз ўқиётган бўлса у Роббисига муножат қилаётган - ёки Роббиси у билан қибласи орасида - бўлади. Ҳеч бирингиз қибла томонга тупурмасин, лекин (жуда бўлмаса) чап томонига ёки оёғи тагига тупурсин», дедилар. Сўнг кийимларининг бир чеккасини ушлаб унга тупурдилар-да, кейин уни буклаб қўйиб: «ёки шундай қилсин», дедилар.

Анас розияллоху анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Масжидга тупуриш гуноҳ, каффорати эса уни кетказишидир», дедилар.



Масжид одоблари таолида олди-сотти қилаётган одамни кўрсангиз: Аллоҳ таоло тижоратингни ривожлантирмасин, денглар. Агар йўқолган нарсасини масжидда эълон қилаётган одамни кўрсангиз: Аллоҳ таоло (йўқотган нарсангни) сенга қайтармасин, денглар», дедилар.

Имом Термизий Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар масжидда олди-сотти қилаётган одамни кўрсангиз: Аллоҳ таоло тижоратингни ривожлантирмасин, денглар. Агар йўқолган нарсасини масжидда эълон қилаётган одамни кўрсангиз: Аллоҳ таоло (йўқотган нарсангни) сенга қайтармасин, денглар», дедилар.

Шарҳ:

Масжидлар намоз ва зикр учунгина қурилган бўлиб, Аллоҳ таолога энг суюкли маконлардан ҳисобланади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларга хос одобларни ўргатиб, масжидга лойиқ бўлмаган амаллардан четланишга буюрганлар. Биринчи ҳадисдаги «лекин (жуда бўлмаса) чап томонига ёки оёғи тагига тупурсин» деганининг мазмуни, агар масжид полсиз ва палос солинмаган тупроқ ёки қумдан иборат бўлса шундай қилинади. Акс ҳолда дастрўмолига ёки кийимининг этагига туфлайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Масжидда тупуриб бўлмайди, агар тупуриб қўйса уни дарров тозалайди.
2. Масжидда олди-сотти қилиш ҳаром.
3. Масжидда йўқолган нарсаларни эълон қилиш ҳаром.